231097

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 18 октябрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 80 (6976)

Da'vat

Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай.

Имом ал-Бухорий.

Ibrat

Тошкент профессионал-қурилиш лицейида ўқувчиларнинг тадқиқот ишларига бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида кичик академия ташкил этилди.

Болалар — келажак гуллари. Уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳукуматимизнинг энг одилона сиёсатидан биридир. Буни ҳар доим ҳис қилиб турибмиз.

Ҳазорасп тумани «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигидаги Мақсуд Шайхзода номидаги ўрта мактаб учун давлат ҳисобидан 420 ўринли янги бино қурилиб, ишга туширилиши ҳам бунга ёрқин далил.

Ушбу воқеа муносабати билан мактабда тантанали маросим бу-

КЕЛАЖАК ГУЛЛАРИГА СОВҒА

либ ўтди. Маросимда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Мадрим Жуманиёзов, Ҳазорасп тумани ҳокими Ҳабибулло Ибодуллаев, туман халқ таълими бўлими мудири Қаландар Аминов, мактаб биносини бунёд этган қурилиш ташкилоти раҳбари Рузим Ҳусаинов, мактаб директори Ражаббой Мирзаев ва бошқалар сўзга чиқишиб, ёш авлодга кўрсатилаётган оталарча ғамхўрлик учун Президентимиз, ҳукуматимиз номига чуқур миннатдорчилик ҳис-туйғуларини изҳор этишди.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз.

Til bayrami

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ – САОДАТ

Миллатни яхлит вужудга ўхшатсак, унинг ҳимоя қобиқларидан бири, шаксиз, тил.

Етук шоирларимиздан бири ўз она тилини шеърга солар экан «Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз, мен ҳам тўти бўлиб қоламан», дейди. Ҳа, шоир ҳақ. Шоирнинг ҳақлиги шундаки, биз узоқ йиллар ана шу мисраларнинг ижросини қилиб келдик. Миллатнинг ҳимоячиси — тилини пароканда этган куч, энди унинг дилини яралай бошлади. Бу беўхшов оғрикдан ВУЖУД уйғонди.

Мана, шу улуғ воқеага ҳам шу кунларда саккиз йил тўлди. Шу муносабат билан республикамизнинг турли жойларида, мактабларда, олий ўқув юртларида, умуман ўқув муассасаларида «Тил байрами» ўтказилаяпти. Худди ана шундай маросимни куни кеча Мирзо Улуғбек туманидаги 308-мактабнинг 2-»Б» синф ўқувчилари ўтказишди. Биз ҳам ана шу қувончга шерик бўлдик. Байрамни кузатар эканмиз, болаларнинг синф раҳбари Гулнора Насриддинованинг ўқитувчилик фаолиятидаги айрим қирраларни дилдан туйдик. Йўқса, синф хоналарининг, деворий қўргазмаларнинг ўзига хосликлари бошқалар билан бирга бизни ҳам қувонтирмаган бўларди. Айниқса, байрамда жажжигина болаларнинг тил, миллат, ватан дея шеър ўқишлари, қўшиқ айтишларини тингласангиз бугунги истиқлол берган меваларга яна бир карра шукрона ўқийсиз.

— «Тил байрами»ни аввал синфларда, сўнгра мактабда яхлит ҳолда ўтказишни режалаштирганмиз, — деди, мактаб директори Жамила Нодирова.

Дарҳақиқат, шапалоқдеккина мақолада байрамдаги таассуротларимизни тўлиқ баён этиш имкони йўқ, албатта. Бироқ... дилимизда кечган илиқ бир туйғунинг қулоғимизга деганини айтмасак бўлмас. «Бугунги ўсиш, янгиланиш даврида шу маънодаги тадбирлар миллатнинг маънавий қиёфаси юксалишида ўзига хос омил бўлишлиги шубҳасиз».

Алишер НАЗАРОВ.

СУРАТЛАРДА: тантанадан лавҳалар акс этган.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича халқаро учрашув қатнашчиларига табрик йўллаб, уларнинг бу муаммони ҳал этишдаги ҳамкорлигига муваффақият тилади.

● Тошкентда «Орол ҳалокати ва XX асрнинг сайёравий фожиаси» шиори остида бўлиб ўтган Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича халқаро учрашувда халқаро жамғармалар, ташкилотлар, Европа Иттифоқи, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда кўплаб ривожланган мамлакатлардан вакиллар иштирок этди.

● Республикамизга ташриф буюрган Қувайт давлати Миллий Ассамблеяси раисининг ўринбосари Талол Муборак ал-Айар бошчилигидаги мазкур мамлакат делегацияси Олий Мажлис раиси Эркин Халилов билан учрашди.

JUMLADA JAHON

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга мамлакатимиздаги Чехия Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Бедрих Копецки, Жанубий Африка Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Томас Уилер, Грузия Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Гиви Абдушелишвили, Гвенея Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жиги Камара ишонч ёрлиғини топширдилар.

● Йилдан-йилга Хитойда компьютер ишлаб чиқаришнинг тез суръатларда ривожланиб бораётганлиги замонавий компьютерларнинг экспорт ҳажмини ҳам оширмоқда.

● 1999 йилнинг январидан муомалага киритилиши мўлжалланаётган Европа ягона пули бирлигига ўтишга Франция ва Грециянинг зарур талабларга жавоб бера олмаётганлиги ҳамда бу пул бирлигининг Англияда ҳам амал қилиши ёки қилмаслиги масаласининг ҳал этилмаганлиги монелик қилаяпти.

● Прагада аҳолининг бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчиб юриш масалаларига бағишланган халқаро анжуманда кўчманчилик жиноятчиликнинг кўпайишига олиб келаётганлиги алоҳида таъкидланди.

ЖАҲОН МАДАНИЯТИНИНГ ИККИ ЖАВҲАРИ

3-бет

«ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН – АМАЛДА

Маълумки, республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг барча соҳаларда рўй берган улкан ўзгаришлар инсон маънавиятининг бош йўналишларидан бири — халқ таълими соҳасида ҳам ўз аксини топди. Республикамизда «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг янгиланиши, халқ таълими ходимларини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари, кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг ишлаб чиқилиши таълимнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

«Таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни амалга ошириш ва бу борада қабул қилинган ҳужжатлар моҳиятини кенг жамоатчилик томонидан чуқур англаб олинишига ҳар томонлама шароит яратиш — таълим-тарбия муассасалари ходимларининг энг долзарб вазифалари этиб белгиланган», — дейилади Президентимизнинг 6 октябрь 1997 йил чиқарган Фармонида.

Шу мақсадда Жиззах вилояти халқ таълими бошқармасида семинар ўтказилди. Семинарга туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари мудирлари, фидойи педагоглар, мактабгача тарбия муассасалари тарбиячилари, лицей, гимназия раҳбарлари қатнашдилар.

Семинар қатнашчилари таълим жараёнининг ҳар бир машғулотида янги педагогик технология, маънавият ва маърифат асослари, ўқувчилар билимини баҳолашнинг тест-рейтинг усулидан фойдаланиш, янги дастур, дарсликлар билан ишлаш, илғор педагогик тажрибалар мазмунини ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этишнинг услубий имкониятлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари билан ўзаро ўртоқлашдилар. Ушбу долзарб вазифаларнинг барчаси «Таълим тўғрисида»ги Қонун тамойиллари замирида амалга ошиши табиий. Семинар сўнгида барча таълим муассасаларида «Таълим тўғрисида»ги Қонунни атрофлича ўрганиб чиқиш, таълим муассасасидаги барча ҳужжатларни Қонун ва меъёрий ҳужжатлар асосида қайта ишлаб чиқишни ташкил этиш, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва миллий дастур мазмунини ота-оналарга етказиш мақсадида улар иштирокида ўқувлар уюштириш, фикр-мулоҳазаларни матбуот саҳифаларида ёритиб бориш лозимлиги хусусида таклифлар билдирилди.

Хулоса ўрнида, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлаш ҳамда келажак учун баркамол авлодни тарбиялашнинг ёрқин ютуқлари амалда намоён бўлаётганлигини таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Г. ЗИЁДУЛЛАЕВА,
Жиззах вилояти ПХМОИ услубчиси.

ОБУНА–98

Азиз тарбиячилар, муаллимлар, зиёлилар!

Таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар кўлами Сизни шунга яраша ахборотга эга бўлишингизни, таълимнинг кундалик юрак уришидан бохабар бўлишингизни тақозо этади.

Сизга бу борада кўмак беришни, янгиликлар билан қадам-бақадам одимлашингизга мадад бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган

«Маърифат» газетасига келаси — 1998 йил учун обуна бошланиб кетди.

Нашр индексимиз:
Якка обуначилар учун — 149
Ташкилотлар учун — 150

Ta'limda tadbirkorlik

МАНФААТДОРЛИК МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

Боғдодлик муаллимлар манфаатдорлик инсонни фаолиятга, изланиш ва имконият топишга ундашини аллақачон тушуниб олишган. Ҳозир тумандаги 48 та мактабда сармоядан ташқари маблағ топиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ташкил этилган. Мактабларнинг ўртача 1 гектардан ери бор. Бу ерларда асосан буғдой, маккажўхори, шоли, сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. Даромад ҳам чакки эмас. Мисол учун тумандаги 11-мактаб ўтган йилларда ўз ҳисобидаги ердан роса 94 минг сумлик буғдой ўриб олди. 14-мактабнинг даромади 46 минг сумни ташкил этди. 40-мактаб ўзи етиштирган шолини 102 минг сўмга пуллади. 48-мактаб эса етиштирган пиёз ва жўхоридан 33 минг 200 сўм фойда кўрди. Бу пулларнинг барчаси асосан ўқитувчилар ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялашга, ўқув хоналарини безашга, тадбирлар ўтказиш кабиларга сарфланяпти.

— 1995 йили ўқув даргоҳимизда пойабзалчилик, тикувчилик, тўқувчилик, қандолатчилик цехлари очган эдик, — дейди биз билан суҳбатда 12-мактабнинг тадбиркор директори Алишер Қозоқов. — Болалар бу ерда устозларидан маълум йўналишда касб-ҳунар ўрганиш билан бир қаторда маҳсулот ҳам ишлаб чиқаряпти.

Ўтган йили устоз-шогирдлар аҳолига 26 минг 200 сумлик маҳсулот сотган эдилар. Куриниб турибдики, албатта, бу кам. Аммо тома-тома кўл бўлур дейдилар. Шунингдек, цехда болаларнинг китоблари ва мактаб сумкаларининг бепул таъмирланишини, ота-оналар ниҳоятда мамнунликларини ҳисобга олинса, бунинг нақадар зарур ва хайрли иш эканлиги кўзга ташланади.

Мактаб жамоаси ўтган йили ўзларига қарашли ердан буғдой экиш ҳисобига 38 минг сўм даромад топган эдилар. Бу йил улар ҳосилдорликни янада оширишмоқчи. Шунингдек, ёрдамчи хўжаликда бугунги кунда 18 бош қўй бор. Ўқитувчиларга вақти-вақти билан бепул гўшт бўлиб бериляпти. Ишлаб топилаётган маблағ ишлаб чиқариш ва ёрдамчи хўжаликларни кенгайтиришга ҳам сарфланяпти. 6 тоннага яқин пахта толаси эса ўқув даргоҳи заҳирасида турибди.

Умуман, туманда ибрат қилиб кўрсатса арзийдиган зиё масканлари кўп. Яна битта мисол: 13-мактабда тикувчилик, тўқувчилик, қандолатчилик, тандирчилик, пойабзалчилик, дурадгорлик цехлари 1991 йилдаёқ очилган эди.

— Мазкур йўналиш бўйича ўтган йили 18 минг сўм даромад топдик, — дейди мактаб директори Ҳадича Ғаниева. — Буғдойдан 38 минг сумлик фойда кўрдик. Ҳозир Хазиний жамоа хўжалигида 1 тоннадан ортиқ пахта толамиз бор.

Мактаб жамоаси ишлаб чиқариш имкониятларини тобора кенгайтираяпти. Ҳозир тиқувчилик цехида волейбол тўпи, оҳак цехида эса бўр ишлаб чиқариляпти.

Энди ҳар бир мактаб маблағ ишлаб топаётган экан, уларнинг банкда алоҳида ҳисоб рақамлари бордир, деган савол туғилиши мумкин?

Туман халқ таълими бўлими банкда ягона ҳисоб рақамини очган. Мактаблар топаётган даромад шу марказдан жамғармага келиб тушади ва шу ердан тақсимот қилинади. Бунинг ижобий томонлари кўп. Масалан, баъзи бир ўқув даргоҳларидаги маблағга боғлиқ муаммолар маслаҳатлашилиб, ҳашар — бегараз ёрдам тариқасида ҳал этилади.

Хуллас, Боғдодда ўқитувчилар ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялаш, ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда, таъбир жоиз булса, ибратли равишда амалга ошириляпти. Буларнинг барчасини ҳукумат ички сиёсатининг бир жиҳати мактабда фаоллик, ижодий меҳнат, ишбилармонлик, тадбиркорлик, бурч олдида масъулият ҳиссини сезиш билан амалга оширилаётганидан далолатдир.

А. ҲАЙДАРОВ,
Фарғона вилояти.

MMM ХАБАРЛАРИ

ЎЗБЕГИМ ҚОЗОҚ БИЛАН

Яқинда Жанубий Қозоғистон вилояти ўзбек маданияти маркази, вилоят маданият ва тиллар бошқармаси ташаббуси билан Чимкент шаҳрининг Абай номидаги маданият ва истироҳат боғида ўзбек халқининг тили, анъаналари ва маданиятига бағишланган катта байрам тантанаси бўлиб ўтди.

Бу тантаналарда иштирок этган кўп сонли ўзбек ва қозоқ халқи вакиллари маҳаллий ва республикамиздан ташриф буюрган санъат усталарининг адабий-бадиий чиқишларини, халқ амалий санъати намуналарини, рассомлар ижодидан намуналар, миллий таомлар кўргазмасини томоша қилишди.

Турсуной ИСМОИЛОВА.

TO'YGA TO'YONA

«Buxoroqorako'l» hissadorlik jamiyati jamoasi Buxoro Davlat oziq-ovqat va engil sanoat texnologiyasi oliy bilimgohi mutaxassislari bilan birgalikda Buxoroi Sharifning 2500 yilligi to'yiga atab 20 modeldagi eng yangi buyumlar majmuini tayyorlashdi. Mazkur kiyim-kechak va yodgorlik buyumlari milliy xonatlas, beqasam materiallari va qorako'l teri bilan qo'shib tikilmoqda. Shu sababdan bo'lsa kerak ularning bejirimligi, o'zida milliylikni aks ettirishi kishini rom etadi. Yangi buyumlar sharif shaharning to'yi kunlarida savdoga chiqariladi hamda sovg'a sifatida mehmonlarga ulashiladi.

N. ASLON.

СОҒ ТАНДА СОҒЛОМ АҚЛ

Атроф-муҳит мусаффолигини асраб-авайлашга, тоза-озода юришга нима етсин. Зеро, булар инсон соғлиғининг, осмонимиз мусаффолигининг гаровидир.

Юнусобод туманидаги 83-ўрта мактаб ўқувчиларининг 44-шифохона бўлим бошлиғи врач Венера Собирова билан учрашуви ҳам шу ҳақда бўлди. Шифокор ўқувчиларга сариқ, бўғма, вирусли гепатит каби касалликларнинг келиб чиқиши ҳам айнан юқоридаги ҳолатларнинг бузилишига боғлиқлигини ва бунга асло йўл қўйиш керакмаслигини тушунтириб берди.

Гулноза НИШОНБОЕВА.

MMM ХАБАРЛАРИ

Direktor minbari

ЭРТАНИ ЎЙЛАГАН ОПА

Зайнаб опа ДЎСТЁРОВА — 1939 йилда Қашқадарё вилоятининг Косон шаҳрида таваллуд топган. Маълумоти олий. Бир ўй болани тарбиялаб вояга етказган. Муаллим, мактаб директори, туман ижроия қўмитасида раис муовини, туман ва шаҳар халқ таълими бўлими мудири вазифаларида ишлаган. Ҳозир у меҳнат фаолиятини Косон шаҳридаги лицей-интернатда директорлик вазифасини бажариш билан ўтказяпти.

— Зайнаб опа, ўзингиз директорлик қилаётган лицей-интернат хусусида қисқача гапирсангиз.

— Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли ушбу лицей-интернат 1993 йилнинг октябрь ойида ташкил этилган. 1996 йилда лицей-интернатга ҳамма қулайликларга эга бўлган 6 қаватли ялпи замонавий бино қуриб берилди. Янги бинода 20 та фан хонаси, 5 та маъмурий хона, 400 ўринли мажлислар зали, 300 ўринли ошхона, 2 та спорт зали, 3 та маиший хизмат хонаси, 2 та кутубхона, 2 та лингафон хонаси, 2 та ЭҲМ хонаси, 2 та тиббиёт хоналари мавжуд. Лицей-интернатимиз ҳамма қулайликларга эга бўлган 120 ўринли ётоқхонага эга.

Лицейимизда техника, иқтисодиёт, гуманитар ва тилларга оид фанлар бўйича ва яна педагогик ҳамда экологик йўналишлар бўйича чуқурлаштирилган таълим берилади. Айни пайтда 36 нафар ўқитувчи 216 нафар ўқувчига таълим-тарбия бераётир. Муаллимларимизнинг тенг ярми олий ва биринчи тоифали ўқитувчилардир...

— Зайнаб опа, иқтисодий тизимни яратиш, ўқувчи ва ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялаш борасида лицей-интернатингизда ижобий ишлар амалга оширилаётган экан...

— Биласизми, доно халқимиз орасида «қуруқ қошиқ оғиз йиртади» деган ибратли нақл бор. Аслидаям иқтисодиёт бош масала-да. Маблағи бор корхонанинг қўли узун бўлади. Айни кунда буни ҳамма тушуниб етди. Жамоамиз аъзолари ўзаро маслаҳатлашиб, Косон тумани ҳокимлигидан лицейимизга ер беришини сўраб мурожаат қилди. Туман ҳокимлиги илтимосимизни ерда қолдирмасдан тумандаги Беруний жамоа ширкат хўжалиги ҳудудидан 26 гектар суғориладиган ер майдони ажратиб берди. Ернинг ўзи бўлмайди, унда ишлаш керак, ҳосилдорликни ошириш чора-тадбирларини кўриш керак. Биз ҳам худди шундай қилдик. Асосан, 1995 йилнинг бошидан бошлаб еримизни талаб даражасига келтириб олиб, асосий ишни бошладик. Биз лицей-интернатимиз қошида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ва қайта ишловчи ва яна каштачилик, зардўзлик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи «Азамат» кичик корхонасини ташкил этдик. Ер майдонимизни ҳам, қўшимча маблағ топишга мослаштирилган бошқа мавжуд шохобчаларимизни ҳам ана шу ёрдамчи тармоғимиз ихтиёрига бердик. Аслида бу кичик корхонага ҳомий ҳам, қоларса, бевосита эга ҳам лицей-интернатимиз ҳисобланади. Бироқ, у ҳам алоҳида юридик ташкилот ҳисобланади. Хуллас, лицей-интернат билан кичик корхона ўртасида махсус шартномалар тузиб иш бошладик. Ўзаро тузилган шартномага мувофиқ кичик корхонамиз ҳар йили етиштирган маҳсулотидан 15 фоизини, олган соф фойдасидан эса 20 фоизини лицей-интернатнинг ўқувчи, ўқитувчи ва ишчи ходимларини ижтимоий ҳимоялашга ажратиб келаётир.

Ер майдонимизда памидору шолғомдан тортиб, бойимжону карамгача, нўхату ловиядан тортиб буғдойгача, ҳаммаси бўлиб 20 турдан зиёд табиат ноз-неъматларини етиштирмоқдамиз. Бир ёқадан бош чиқариб меҳнат ҳам қилаяпмиз, эвазига талабадан тортиб устозларгача, ҳаммамиз яхшигина фойда ҳам кўраяпмиз. Мен сизга биргина фактни айтай: 1996 йил сентябрь ойида «Азамат» корхонамиз ўқувчиларимизнинг овқатланиши учун 200 кило гўшт, 2000 кило сабзавот, 3000 кило полиз, 500 кило мева, 200 кило макарон, 50 кило ўсимлик мойини текин берди. Ёрдамчи хўжалигимиз бу йўл билан бизга давлат бюджети маблағларини тежашга ёрдам берди. Ўтган йилнинг сентябрь-октябрь ойларида биз ўқувчиларимизни овқатлантиришга бюджет маблағидан кунига 24-25 сўмдан сарфладик, холос. Қолган сарф-харажатлар кичик корхонамиз ҳисобидан амалга оширилди.

Ёрдамчи хўжалигимиз ёрдами билан 1996 йилда лицейимиз ўқитувчи ва ишчи ходимларини ижтимоий ҳимоялаш учун 4 тонна ун, 300 кило шакар, 300 кило гуруч, 300 кило макарон, 150 кило ўсимлик мойи арзон нархларда сотилди. Шундан 400 кило ун, 100 кило ўсимлик мойи, 100 кило шакар, 100 кило гуруч, 100 кило макарон ўқитувчи ва ишчи ходимларимизга рўйхат асосида текин тарқатилди.

Биз ёрдамчи хўжалигимизда етиштирилган маҳсулотларни бартер усулида ўзимизга керакли бошқа маҳсулотларга айирбошлашни йўлга қўйганмиз.

Айни кунда кичик корхонамиз тумандаги «Феруза», «Орзу», «Ғунча» номли болалар боғчаларига ҳам ҳомийлик қилиб, керакли маҳсулотларни ўз вақтида етказиб бераётир.

Бу йилги ҳосилимиз салмоғи ўтган йилгидан ҳам зиёд бўлди. Каштачилик ва зардўзлик соҳаларимиздан ҳам яхшигина фойда олаётирмиз. Жорий йилимиз якунида кичик корхонамиз умумий ҳисобда соф фойдадан 150 минг сўмга яқин пулни яна ўқувчи ва ўқитувчиларимизни ижтимоий ҳимоялашга ажратади, етиштирилган маҳсулотлардан ўқувчи ва ўқитувчиларга, барча ишчи ходимларга текин улашади...

— Халқимиз лицей-интернатларга шогирдларнинг ўқув юртларига қай даражада қабул қилинаётганлигига қараб ҳам баҳо беришаяпти...

— Тўғри гапни айтдингиз. Бизнинг меҳнатимизни республика тест маркази баҳолаяпти. Халқимиз ва раҳбарларимиз натижаларимизни кузатиб, сўраб-суриштириб туришибди...

1995 йилда 116 нафар илк қалдирғочларимизни катта ҳаётга учирдик. Уларнинг 92 нафари ўша йилнинг ўзида олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабаси бўлишди. 1996 йилда яна 115 нафар ўқувчимиз лицей-интернатимизни битирди. Уларнинг ҳам 89 нафари талаба бўлиш бахтига муяссар бўлди. 1997 йилда яна 109 нафар ўқувчи битирди. Ҳозиргача уларнинг ҳам 80 нафарга яқини олий ва ўрта махсус ўқув юртларига киришганлигини аниқладик. Бу йилги битирувчиларимиздан олий ва ўрта махсус ўқув юрларига ҳужжат топширишган 15 нафар ўқувчимизнинг натижаларини ҳали аниқлай олганимиз йўқ. Умумий маънода натижаларимиз жуда ёмон эмас. Бироқ, бу натижалар ҳали жамоамиз аъзоларини қаноатлантиргани йўқ. Ҳали жуда кўп ишлашимиз керак. Юз фоиз деб айтолмасам-да, шунга яқин натижаларга эришишимиз лозим. Шуни алоҳида таъкидлашим лозимки, эришаётган ютуқларимизда Тўхтамурод Бобомуродов, Муродулла Жўраев, Эшмурод Йўлдошев, Муҳаммади Холмуродов, Раима Сирожова, Гуландом Ҳошимова, Фурқат Остонов, Раҳмиддин Ниёзов каби ўқитувчиларимизнинг хизматлари беқиёс катталир.

«Маърифат»нинг махсус мухбири Абдували Обиддинов суҳбатлашди.

Ta'limimiz fidoyilari

ЗИЁ ТАРАТАЁТГАН ИНСОН



Одатда инсон ўз ҳаётидаги муҳим воқеалар гирдобида яшайди. Унинг армонлари, эзгу ниятлари беҳисоб, узлуксиз бўлади. Кузлаб юрган иши амалга ошса ҳам у тўхтаб қолмасдан, борган сари олдинга қараб интилади, — иккинчи бир муҳим ишга қўл уради. Зеро, унинг инсонийлик фазилатлари шуни тақозо этади.

«Ўқитувчи ҳар томонлама изланишни тўхтатиши билан унинг муаллимлиги йўқолади» деган тушунчага асосланиб биз «бугунги раҳбар ҳам кўп жиҳатдан изланувчан, билимли, тажрибали бўлмаса, унинг зиёлилигидан ҳеч нарса қолмайди» деб аниқлик киритишни истар эдик. Сабаби, одам қанчалик маърифатли бўлса, эл-юртга шунчалик фойдаси тегади. Биз сўз юритмоқчи бўлган инсон — Собир Зиёев ҳам бутун ҳаёти давомида халқ эътиборини қозониб, маърифатли, зиёли инсонларнинг бири сифатида танилган.

У Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини кимё-биология ихтисослиги бўйича 1960 йили тугатиб, шу кундан бошлаб ушбу билим даргоҳининг фалсафа кафедрасида олдин илмий ходим, сўнгра ассистент бўлиб ишлади. Кафедра мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор, ҳозирги кунда академик Эркин Юсуповнинг таъсияси билан Собир ака 1963 йили аспирантурага кириб, уни 1966 йили муваффақиятли тамомлади. Фалсафа фанларига номзодлик диссертациясини ёририк файласуф олим, фалсафа фанлари доктори, профессор М. Жунусов раҳбарлигида 1967 йили Москва шаҳрида собиқ Иттифоқ Фанлар академиясининг фалсафа институтида ҳимоя этди.

Фалсафа кафедрасида катта ўқитувчи, доцент, сўнгра табиётгеография факультетида декан лавозимида ишлаш жараёнида у кўплаб мутахассисларни тайёрлашда фаол иштирок этди.

Собир Зиёев 1973-1988 йилларда Ўзбекистон Республикаси Маориф (ҳозирги Халқ таълими) вазирлигида Олий ва урта махсус педагогика ўқув юртлари бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаган даврида ҳам бошқарув тизимида ўзининг етук ташкилотчи раҳбар эканлигини кўрсатиб, педагогика институтлари, билим юртларида таълим-тарбия ишларини янада яхшилашда, етук мутахассислар тайёрлашда бутун билимини, маҳоратини, тажрибасини намоён этди.

У ўз фаолиятида мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишига ҳам катта аҳамият бериб, республикамиздаги малака ошириш институтлари, факультетларининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшди.

Мана, икки йилдирки, Собир ака Тошкент вилояти педагогика билим юртига раҳбарлик қилмоқда. Шу йиллар мобайнида бу ерда Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлар, туманлар таълим муассасалари учун ўзбек, рус ва қозоқ тилларида бошланғич синф ўқитувчилари, боғча тарбиячиларини тайёрлашда бирмунча ютуқлар қўлга киритилди. Бунда педагогика билим юрти ўқитувчилари билан бир қаторда Собир Зиёевнинг раҳбар сифатида роли борлигини таъкидлаш лозим.

Собир ака таълим ва тарбия, ташкилотчилик ишлари билан бирга 10 дан ортиқ илмий, услубий китоблар, рисолалар ва қўлланмалар ёзган.

Унинг илмий-педагогик , тарбиявий-мафкуравий хизмати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Шавкатли меҳнати учун», Қори-Ниёзий номли ва бошқа медаллар, ҳукумат Фахрий ёрлиқлари ва «Халқ таълими аълочиси» нишони билан мукофотланган.

Хулоса қилиб айтганда, халқ таълимининг жонкуяри, олим Собир Зиёевнинг сермазмун ҳаёти ва илмий-педагогик, ташкилотчилик фаолияти мустақил Ватанимизга, халқимизга хизмат қилишнинг яхши намунаси бўлиб, бу ҳар бир ёш авлодга ибрат бўла олади.

Н. УСМОНОВ.

ШАРҚ ДОНИШМАНДЛИГИ

Эрамиздан аввали V—IV асрларда яшаган юнон олими Евклид куб, цилиндр, конус, шар сингари шакллар ҳақидаги билимларни жамлаб, катта бир асар яратди. Геометрия фани шу тариқа вужудга келди. Шарқнинг буюк мутафаккири Умар Ҳайём, ундан 800 йил кейин эса улуғ рус олими Н.Лобачевский ва атоқли венгер математиги Янош Бойян Евклид тиклаган муҳташам геометрия биносида баъзи нуқсонлар борлигини исботладилар.

Европа олимлари, жумладан, Н.Лобачевский ва Я.Бойян Умар Ҳайёмнинг математикага оид асарларидан бехабар бўлишган. Олим ва фин тарихчиси А.Юкшевич шуни назарда тутиб, афсусланиб ёзган эди: «Улуғ Шарқ шоири ва олими аллақачон кашф этиб қўйган йўлни яна қайтадан ўтиш учун Европа олимлари озмунча заҳмат чекмадилар».

* * *

Ўзбек шеъриятининг буюк даҳоси Алишер Навоий абжад ҳисобидан усталик билан фойдаланиб, бир қанча асарларида уларнинг ёзилган йилини аниқ кўрсатиб ўтган. Шундай асарлар жумласига устози Абдураҳмон Жомийнинг «Лужжатул асрор»ига жавобан ёзилган «Туҳфатул афкор»и ҳам киради.

Буюк шоир бу асарининг охирги икки байтида «Туҳфатул афкор»нинг ёзилган йили, ойи ва қунини маҳорат билан ифодалаган.

Шоирнинг тасвирлашича, мазкур асар ражаб ойида, ойнинг тўртинчи чорагида, жума куни ёзиб тугатилган. Ушбу сўзлардаги ҳарфларнинг абжад ҳисобига кўра сон қийматларини қўшиб чиқсак 880, ҳижрий йил чиқади.

Синхроник жадваллар ёрдамида «Туҳфатул афкор»нинг 880 ҳижрий йил, 25 ражаб, жума куни (милодий сана билан 24 ноябрь 1475 йил жума куни) ёзилгани маълум бўлади.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

Xorijda ta'lim

САУДИЯ АРАБИСТОНИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ

Ўзбекистон ўз истиқлолига эришганидан бери ўтган қисқа давр ичида унинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ортиб, у билан иқтисодий, маданий алоқалар кўламини кенгайтириш мақсадида ўз дипломатик ваколатхоналарини очаётган давлатлар сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Яқинда Ўзбекистонда ўз фаолиятини бошлаган Саудия Арабистони элчихонаси ҳам шулар жумласидандир. Шу йил 6 июнь куни Саудия Арабистони мамлакатининг фавқулодда ва мухтор элчиси Абу Бакр Аббос Рафиъ ўз ишонч ёрлиғини Республикамиз Президенти Ислом Каримовга топширди. Ҳар икки томон ўзаро манфаатли, ҳар томонлама ҳамкорлик кўлами бундан буён янада кенгайишига ишонч билдирди. Зеро, республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йил апрель ойида Саудияга қилган тарихий сафари бундай ҳамкорликка мустаҳкам замин тайёрлаган эди.

Бу йил 23 сентябрь куни Саудия Арабистони ўзининг миллий байрами — мамлакатнинг 65 йиллигини кенг кўламда нишонлади. 1932 йили мамлакат шоҳи Абдулазиз Ал Сауд ўз қўл остига бирлаштирган улкан юртни бундан буён «Саудия Арабистони мамлакати» деб аташ ҳақида фармон чиқарган эди. Ана шундан бери бу кун миллий байрам сифатида нишонланади.

Саудия Арабистонидаги мактаблардан бири.

Саудия Арабистонида таълим ва тарбия ҳақида сўз кетганда, бу соҳада ҳақиқий бурилиш 1949-50 йилларга тўғри келганини қайд этиш керак. Бу ишга Амир Файсал бош-қош бўлган, ҳозирги мамлакат шоҳи, ўша пайтдаги амир Фаҳд Абдулазиз унга ёрдам берган, кейинчалик у маориф вазири, таълим сиёсати бўйича олий комиссиянинг олий кенгашига раислик қилган, бу эса таълим соҳасидаги энг олий орган эди.

Саудия Арабистонида олий ўқув юртларига киришдан олдин тўрт босқичда тарбия ва таълим берилади. Биринчиси — мактабгача бўлган тарбия ва таълим, иккинчиси — бошланғич таълим.

Унда 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар таҳсил кўради. Учинчиси — ўрта босқич бўлиб, унда 12 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ўқишади. Охирги, тўртинчи босқичда 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган ёшлар ўрта таълим оладилар. Бошланғич, тўлиқсиз ўрта ва ўрта таълим масалалари билан Маориф вазирлиги шуғулланади. У асосан ўғил болалар ўқиши билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади. Қиз болалар таълими бўйича эса ихтисослашган Умумраёсат фаолият кўрсатади. Мамлакатда кўплаб хусусий мактаблар бўлса ҳам ўқувчилар давлат қарамоғидаги мактабларни афзал кўрадилар. Ҳукумат тарбия ва таълим муассалари тармоқлари янада кенгайиши, мамлакатнинг барча ерларини қамраши йўлида тинимсиз изланишлар олиб боради. Натижада болалар боғчалари ва мактаблар сони ва салмоғи тобора ортиб бормоқда.

Саудия Арабистонида олий таълим ривожига мамлакатда бошқарув, аниқ фанлар, муҳандислик, таълим сингари соҳаларда етарли маҳаллий мутахассис кадрлар камлиги туртки бўлди. Олий таълим мамлакат тараққиётини белгилайдиган ҳар қандай режа ва дастурларнинг устувор йўналиши бўлиб қолди. Мамлакатдаги олий малакали ажнабий мутахассисларни маҳаллийлар билан алмаштириш кун тартибига чиқди. Натижада бирин-кетин 7 та университет очилди. Улар: 1957 ЙИЛИ ОЧИЛГАН АР-РИЁД УНИВЕРСИТЕТИ. Араб ярим оролидаги биринчи олий ўқув юрти бўлиб, 1982 йилдан бошлаб Шоҳ Сауд номи билан атала бошланган. Ундаги бошқарув илмлари, қишлоқ хўжалиги, ҳайвонлар табобати, филология, компьютер илми, тиш табобати, иқтисод, давлат корхоналарини бошқариш, таълим-тарбия, муҳандислик, умум табобат, амалий табобат, доришунослик, аниқ фанлар каби факультетларда 25000дан ортиқ талаба ўқийди. Университет таркибида аспирантура, аёлларга университет билими бериш маркази, араб тили институти, узлуксиз таълим марказлари мавжуд.

1962 ЙИЛИ АЛ-МАДИНА АЛ-МУНАВВАРАДА ОЧИЛГАН ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ. Бу олий билимгоҳда 362 та устоз — муаллимлар 3000 дан ортиқ талабага дарс бериб келади. Талабаларнинг 80 фоизи саудия-лик маҳаллий аҳоли вакиллари бўлса, қолганлари дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатларидан келган ёшлардир.

1967 ЙИЛИ ЖИДДА ШАҲРИДА ҚУРИЛГАН ШОҲ АБДУЛАЗИЗ УНИВЕРСИТЕТИ.

1196 та устоз домлалар ишлаётган, 34000 дан ортиқ талабалар таҳсил кўраётган бу университет 1971 йилгача хусусий олий билимгоҳ бўлиб келган. Бу улкан билим даргоҳи таркибида аниқ фанлар, иқтисод ва бошқарув, филология ва инсоншунослик, муҳандислик, табобат, таълим ва тарбия, тупроқшунослик, гидрометеорология, денгиз илмлари сингари факультетлар бор.

Айни пайтда университет таркибида бир неча илмий текшириш марказлари ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатиб келади.

1953 ЙИЛИ ТАЪСИС ЭТИЛГАН ИМОМ МУҲАММАД БИН САЎУД ИСЛОМ ИНСТИТУТИ 1974 йилга келиб университет мақомига эга бўлган.

Унда 1400 устоз-домла, 28000 дан ортиқ талаба ўқийди. 1993-94 ўқув йилининг ўзида университетга 3807 толиба қиз қабул қилинган. Бу дунёга машҳур билим масканида бир неча институт ва факультетлар бор. 1965 йили унда юқори малакали қозилар тайёрлайдиган институт очилган. 1970 йили ташкил топган ижтимоий фанлар факультети таркибида араб тили ва кутубхоначилиқ мутахассислари ҳам тайёрлана бошланганидан кейин у 1974 йили араб тили ва ижтимоий фанлар факультетига айлантирилган.

1975 ЙИЛИ ОЧИЛГАН ШОҲ ФАЙСАЛ УНИВЕРСИТЕТИ. 118 та устоз—ўқитувчи ишлаётган бу университетда 5944 нафар талаба таҳсил олади, ундан 2859 таси қизлардир. Шоҳ Файсал бу университет учун Аш-Шарқийа районини танлаган, унинг қад ростлашида ўша пайтда амир бўлган, ҳозирда мамлакат шоҳи Фаҳд Абдулазиз кўп жонбозлик кўрсатган эди. Университет икки йирик мажмуадан иборат бўлиб, бири Ад-Даммаамда, иккинчиси Ал-Хуфууфда жойлашган.

1986 йилдан бошлаб Шоҳ Фаҳд номли нефть ва металлургия университетига айланган бу билимгоҳ аслида нефть ва металлургия факультети бўлиб, у 1963 йил очилган эди. Уша пайтда ундаги талабалар сони 100 тага ҳам етмас эди. 1964 йилдан бошлаб факультетга бошқа араб ва мусулмон мамлакатлар вакиллари ҳам қабул қилинадиган бўлди. 1974 йилга келиб, у ерда ўқиётган талабалар 1500 нафарга етди.

Университетда қатор факультетлар билан бирга аспирантура ҳам бор. Бу олий ўқув юрти бир ҳисобда мамлакатдаги бошқа университетлардан фарқ қилади. У университет кенгашига бўйсунади. Университет кенгашига эса мамлакат олий таълим вазири бошчилик қилади. Бошқача қилиб айтганда, университет мустақил юридик шахс ҳисобланади.

1979 ЙИЛИ АСОС СОЛИНГАН УММУ-Л-ҚУРАА УНИВЕРСИТЕТИ. 1981-82 ўқув йилида университет сифатида ўз фаолиятини бошлаган. 1993-94 ўқув йили у ерда жами 15000 талаба таҳсил олган. Улардан 7700 нафари толиба қизлар бўлган. Бошида бу билимгоҳ Шоҳ Абдулазиз университетининг бир бўлими сифатида икки факультет ва араб бўлмаганларга араб тилини ўргатиш институтидан иборат эди. Кейинчалик қишлоқ хўжалиги, муҳандислик, амалий билимлар сингари факультетлар ҳисобига кенгайган. Унинг мамлакатдаги кўплаб илмий марказлар билан мустаҳкам алоқаси бор.

Шу билан бирга Саудия Арабистонида Шоҳ Абдулазиз номидаги илм ва фан шаҳарчаси ҳам фаолият кўрсатади. У 1977 йил шоҳ фармонига биноан таъсис этилган. Бу илм-фан бўйича миллий марказ илм-фан соҳасидаги ютуқларни мамлакат иқтисодини ривожлантириш режалари хизматига сафарбар қилиш билан шуғулланади. Масалан: 1990-95 йилларга мўлжалланган беш йиллик режада саноат соҳасидаги ишчи-хизматчиларнинг билим ва малакаларини яна юқори поғоналарга кўтариш зарурати қайд этилганки, бу вазифани ана шу муҳим марказ амалга ошириб келади.

Ушбу мақола битилаётган бир пайтда, Саудия Арабистони олий ўқув юртлари бошлиқларидан иборат делегация Саудия олий таълим вазири Холид бин Муҳаммад Ал-Анқарий бошчилигида Тошкентга қадам ранжида қилди. Ташриф давомида делегация аъзолари Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасида, Ташқи ишлар, ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларида қабул қилинди. Улар республика Фанлар Академияси Шарқшунослик, Қўлёзма илмий текшириш институтлари билан учрашдилар, ўқув жараёни билан танишдилар.

Бўлиб ўтган учрашув ва музокараларда икки мамлакат олий ўқув юртлари орасида ўқитувчи ва талабалар алмашиш, ўзаро ҳамкорликда илмий-тадқиқотлар олиб бориш, она юртимизда кўз қорачиғидек сақланаётган нодир қўлёзмаларни ўрганиш ва нашр этишда ҳамкорлик қилиш, диёримизнинг бой тарихий-маданий обидаларини қайта тиклаш ва таъмирлашда ҳам ҳамкор бўлиш, олий таълим соҳасига оид маълумотлар, бу соҳадаги тажриба ва ютуқлар билан ўртоқлашиш каби масалаларда келишиб олинди.

Ташриф доирасида Саудия Арабистонидан келган меҳмонлар Самарқанднинг бой тарихий обидалари, меҳмондўст халқи, фидокорона меҳнатлари билан танишиб қайтдилар.

Бу зиёрат Президентимиз Ислом Каримовнинг 1992 йили Саудия Арабистонига қилган ташрифи ва унда имзоланган муҳим ҳужжатларни амалга ошириш йўлида қўйилган амалий қадамдир. Икки қардош юрт халқлари ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқа ва ҳамкорлик бундан кейин ҳам янада ривожланишига шубҳа йўқ. Чунки уларни бир-бирларига боғлаб турган азалий дўстлик ришталари борки, у Она юртимиз ўз истиқлолини қўлга киритганидан кейин тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Бахтиёр ИБРОҲИМОВ, шарқшунос.

ИХЧАМ ВА СЕРФАЙЗ МЕБЕЛЛАР ТУРКУМИ...

БИЗНИНГ МЕБЕЛЛАРИМИЗ ИШХОНА ВА ХОНАДОНИНГИЗГА БИР ЗУМДА НАФОСАТ БАХШ ЭТАДИ. У ХОРИЖИЙ ДИЗАЙН ТАЛАБЛАРИГА ТЎЛА МОСДИР. АГАР СИЗ БИЗДАН МАВЖУД МЕБЕЛЛАР ТУРКУМИНИ ХАРИД ҚИЛСАНГИЗ, ЎЗ МИЖОЗЛАРИМИЗГА АТАЛГАН САВДО СОЛИҒИСИЗ АРЗОНЛАШТИРИЛГАН СИЙЛОВДАН БАҲРАМАНД БЎЛАСИЗ.



Манзил: Тошкент шаҳри, Жомий кўчаси, 254 (мўлжал Жомий майдони).
Тел.: 48-26-55, 48-37-50.

ЖАҲОН МАДАНИЯТИНИНГ ИККИ ЖАВҲАРИ



Хива. Нуриллабой саройи.

Одатда 2500 санасидан кейинги катта сана 2600 ёки 3000 ҳисобланади. Демак, бу саналарни кўриш ҳаммага ҳам насиб этавермаган ва келгусида ҳам шундай бўлади. Ўзбекистонимизнинг Бухоро ва Хива шаҳарлари айни кунларда 2500 ёшини нишонлаш арафасида. Бу воқеанинг энг улуғ ва энг азиз жиҳати — бу байрам ўлкамизнинг ҳурриятга эришган ва дунё ҳамжамиятига шиддат билан кириб бораётган бир даврига тўғри келди. Қалбида ҳурлик, Ватан тушунчаси ҳукмрон кишилар учун бу ҳақиқатан ҳам улкан воқеадир.

Оммавий ахборот воситаларининг кўрсатув ва эшиттириш, мақола ва хабарларидан маълумки, бу сана халқаро байрам сифатида нишонланмоқда. Байрам ёки тўй баҳона қандай янгиликлар содир бўлишини биласиз. Икки шаҳарда ҳам ободонлаштириш билан биргаликда меъморий обидалар таъмирланмоқда. Бу тадбирлар, албатта, ҳукуматнинг эътибори ҳамда назоратида олиб борилаётганлиги амалга оширилаётган ишлар кўламини кўрсатади.

Бу икки шаҳар тарихининг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, унинг дунё фани, маданияти ва дини тарихида алоҳида ўрни бор. Демак, уни биз нафақат миллий маданиятимиз, балки жаҳон маданияти тараққиётининг бир қисми, икки жавҳари сифатида асраб-авайлашимиз зарур.

ХОРАЗМДА ДОНОЛАР УЙИ

VIII асрнинг охири IX асрнинг бошларида Мовароуннаҳрда дунёвий билимларга эътибор кучайди. Бу даврда аниқ фанлардан тиббиёт, риёзиёт, фалакиёт, тарих, адабиёт фанлари кенг ривожланди. Мовароуннаҳр бўйлаб утган «Ипак йули» йирик савдо шаҳарлари билан боғланганлиги учун бу жойларда савдо ва ҳунармандчилик кучайди.

Уша даврнинг маданият ва савдо марказлари бўлган Дамашқ, Бағдод, Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч, Мари ва Шош шаҳарларидаги мактаб ва мадрасаларда диний билимлар билан бир қаторда дунёвий фанлар ўқитила бошланди.

Бу даврда ҳаттоки Хоразм халифаси Маъмун ўша даврнинг машҳур олимларини бир жойга тўплаб «Донолар уйи»ни, яъни Хоразм академиясини ташкил этди. Бу академия дунёвий фанлар билан шуғулланиб, уларни ривожлантиришга эътибор беради. Халифа Маъмун академия қошида катта кутубхона ташкил этиб, олимларнинг ижоди учун шароит ва имкониятлар яратиб беради.

Бу донолар уйига яъни Хоразм академиясига ўз даврининг машҳур истеъдодли олими, математика фанининг асосчиси Муҳаммад Мусо Ал-Хоразмий таклиф этилиб, у бу академияга раҳбарлик қилади. Муҳаммад Мусо Ал-Хоразмий ўзининг машҳур асарларини— «Алгоритм ва алгебра» асарларини шу ерда ёзиб тугатади.

Мусо Ал-Хоразмий Хоразм академиясига кўплаб машҳур олимларни ишга таклиф қилиб, улар билан ҳамкорликда ижод қилади. Академия олимларининг «Ҳинд ҳисоби ҳақида»ги рисола, «Қуёш соатлари» буйича рисола ва фалакиёт, риёзиётга оид асарлари ал-Хоразмий раҳбарлигида чоп этилади.

Хоразм академиясининг доврўғи тез орада бутун Марказий Осиё мамлакатларига тарқалади. Хоразм академиясида энциклопедик олим Муҳаммад ибн Аҳмад Абу Райҳон Беруний фаол хизмат кўрсатиб, дунёвий илмларни ўрганишга берилди. У бу ерда ўзининг машҳур асарлари «Ҳиндистон тарихи», «Минерология» асарларини ёзади.

Беруний замонасининг машҳур табиб ва олими Абу Али Ибн Сино билан хат орқали ёзишмалар олиб бориб, уни Хоразм академиясида бирга ишлашга таклиф этади. 23 ёшида бутун олимлар орасида обрў қозонган Беруний ва «Шайхулраис» номи билан машҳур бўлган табиб, олим Абу Али Ибн Сино ўртасидаги дўстлик алоқалари икки алломани бир-бирига яқинлаштиради. Хоразм академиясига келган Абу Али Ибн Сино табиёт, адабиёт, фалакиёт ва фалсафа фанлари соҳасида ижод қилади. Абу Райҳон Беруний билан Абу Али Ибн Сино фаннинг турли соҳаларида ижод қилишиб, 150 дан ортиқ турли асарлар яратиб, келажак авлодларга мерос қилиб қолдирдилар. Айниқса, икки буюк олимнинг коинот ва сайёралар ҳақидаги асарлари бугунги кунда космик фазони тадқиқ қилишда жаҳон олимларига қўл келмоқда.

Узбекистон мустақиллигининг 6 йиллиги, Темурийлар тарихи Давлат музейининг бир йиллиги муносабати билан «Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллиги»га бағишлаб ташкил этилган кургазма Хоразм ва Бухорода фан-маданият ривожланганлигидан дарак беради. Узоқ ўтмиш тарихимизда Турон тупроғида қадим Мовароуннаҳрда Темурийлар тарихи Давлат музейи замонавий архитектуранинг ноёб намуналаридан бўлиб, чет эл матбуот саҳифаларида иккинчи Тож Маҳал деб таърифланмоқда.

Темурийлар тарихи Давлат музейи бугунги кунда маънавиятимизни, тарихимизни тарғиб қилишда, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда халқимизнинг зиёратгоҳига айланди.

М. ЎРМОНОВ,
Л. ЙЎЛДОШЕВА,
Темурийлар тарихи Давлат музейи тарихшунослик бўлими илмий ходимлари.

ТАЪРИФИ ЕТТИ ИҚЛИМГА ЕТГАН МИНОРЛАР...

Йиллар чархпалакдек бу кўҳна заминда айланаверади, айланаверади. Даврлар ибтидодан интиҳога дўнаверади. Шу зайлда кунлар ойларга, ойлар йилларга, йиллар асрларга айланиб не-не навқирон умрлар кўҳна тарих қатларига сингиб боради. Ва тарихнинг бир шодасига жо бўлади.

Сиз тарих унутилади, бора-бора биздан буткул йироқлашади десалар ишонманг! Тарих бу — мен денг! Тарих бу — сиз денг! Тарих бу халқнинг қалбига аждодлардан ўтган ўлмас руҳ ва ғоялар денг!

* * *

Ватан ва тарих бу икки улуғ тушунчанинг аслида илдизи биттадир. Ватанни англаганимиз сари унинг тарихини ҳам англай борар эканмиз...

Дарвоқе, тарихни англаш ҳақида гап борар экан, биз узимизни боболаримизнинг ақл-заковати боис омадли халқмиз дейишимиз мумкин. Бугун ҳам биз бу кўҳна мозийнинг тирик шоҳидлари бўлмиш Самарқанд, Бухоро, Хива обидалари билан ёнма-ён яшамоқдамиз. Дунё жаҳонгирларини лол этиб кўҳна ва ҳамиша навқирон деб ном олиб келган осори-атиқалар тарихдан бизга хабар келтирмоқда-ку.

Ватанимиз мустабид тузумнинг исканжасида яшаган даврларда ҳам Хивадаги нодир обидаларимизнинг таърифи етти иқлимга етиб борди. Шу сабаб юртимизга ҳар куни тўп-тўп бўлиб ер юзининг турли жойларидан Хиванинг таърифи-тавсифини эшитганлар ўз кўзлари билан унинг муъжизаларини кўриб инонмоқ учун минг-минг чақирим йўл босиб келардилар-ку. Келганларнинг адоғи бўлмади, уларнинг сонини-да Хивадан сир тутдилар. Келганлар биргина Ичон Қалъанинг сир-синоатидан воқиф бўлганлар ўз кўзларига-да ишонмадилар. Минорлар бўй-бастини суратларга муҳрладилар. Юртларига боргач Макка зиёратидан қайтган каби ҳайрат-у қувончларини умр буйи сўйладилар. Шундан эшитганларнинг қадами ҳамон узилмайди...

* * *

Биз ўқиган тарих дарсликлари хон боболаримизнинг тож-тахт талашишию айш-ишратдан қули бўшамагани ҳақида сўзлар эди.

Кечир юртим, ана шундай манфур бўҳтонларга ишонган нодон фарзандларинг ҳам бўлди. Энди билсак, айш-ишрат, ичкиликбозлик ва жоҳиллик Октябрь тўнтарилиши билан пайдо бўлган аросат давр меваси экан. Тарихий ҳужжатларнинг хабар беришича (биз бу мисолларни Сафо Матжоннинг «Авлодлар бурчи» мақоласидан олдик), Муҳаммад Раҳимхон хонлик қилган 1806-1825 йиллар Хивада ичкиликбозлик қаттиқ тақиқланган. Уларга қаттиқ жазо берилган.

1874 йил Муҳаммад Раҳимхон иккинчининг буйруғи билан Эрондан китоб босиш ускуналари келтирилиб, Марказий Осиёда биринчи тош босма йулга қўйилган. Муҳаммад Раҳимхоннинг 1898 йилдаги фармонига кўра эса осори-атиқалар алоҳида хонлик ҳимоясига олинган. Ушбу фармондан, жумладан, шуларни уқийсиз: «Қадимдан қолгон ёдгор нимарсаларни йўқ қилдурмасунлар, ҳар бир тариқа кўҳна жой, қалъа ва иморатлар бўлса не тариқа бино бўлгонларини ёзиб қўйсунлар. Ва кўҳна тилла танга, пуллар бўлса бориб топиб мунда юборсинлар».

Мана, буни тарихга ҳурмат, миллий меросга эҳтиром деб айтсак бўлади. Хива хонлари тарих дарсликларида ёзилганидек, қонхўр, золим эмас, маърифатпарвар экан-ку!

Хива Ичон Қалъаси 1990 йил Марказий Осиёда биринчи бўлиб ЮНЕСКО ҳисобига киритилиб, жаҳон маданий мероси дурдонаси деб эътироф этилиши улуғ аждодларимиз руҳини шод этган бўлса ажабмас. Қолаверса, миллий қадриятларимизни севиб-ардоқлаган Муҳаммад Раҳимхоннинг орзулари ушалиши учун ҳам имкон яратди.

Бугун Хива миноралари 2500 йиллик тарих шоҳиди бўлиб, асрларни асрларга боғлаб турибди. Бизнинг бахтимиз бор экан, тарихнинг буюк ҳосиласи Хива, Самарқанд, Бухоро миноларини ўз кўзимиз билан кўрмоққа муяссар бўлдик. Ва ёлғиз угина бизни тарих ҳақида тўқилган ҳар қандай алдовлардан сақлаб ўтмишнинг мана мен, дея кунглимизни мудом кутариб келди.

Асрлар ўтар, аммо бу кўҳна ва ҳамиша навқирон деб ном олган обидалар йиллар оша яшаб қолгусидир. Фақат биз даврлар тўзони гардини унинг муқаддас юзидан артиб, севиб асрай олсак бас!..

Ҳидоят ОЛИМОВА.



Кўҳна ва навқирон Бухоро.

ҲИММАТ — БУЮК ФАЗИЛАТ

Яқинда Германия «Агро Акция» дастури Тошкентдаги ваколатхонасининг Ўрта Осиё бўйича координатори Дирк Альтвек жаноблари ва ўша ваколатхона директори Имомали Усмоновлар Хива шаҳридаги 20-«Меҳрибонлик уйи»га ташриф буюрдилар. Улар инсонпарварлик ёрдами кўрсатишиб, кўнгли ярим болакайлар учун 30 минг АҚШ доллари қийматидаги асбоб-ускуналар, кийимкечаклар, пойафзаллар, мебеллар ва бошқа нарсаларни келтиришди.

Ана шу воқеа муносабати билан «Меҳрибонлик уйи»да тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Хива шаҳри ҳокими Матёқуб Мадаминов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Мадрим Жуманиёзов, «Меҳрибонлик уйи» директори Вера Паклар сўзга чиқишиб, инсонпарварлик ёрдамлари учун германиялик меҳмонларга чуқур миннатдорчилик билдиришди.

Ғ.ЁҚУБОВ.

СЕССИЯДАН СЎНГГИ СИЛЖИШЛАР

Республикамиз Президенти И. А. Каримов 1996 йил 14 декабрь куни халқ депутатлари Бухоро вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни чуқур таҳлил қилиб, ислоҳотларни ривожлантиришда фаоллар, халқ таълими ходимлари олдида турган муҳим вазифалар хусусида тўхталган эди.

Ўтган давр мобайнида вилоятда мазкур вазифалар асосида Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда кўнгина ишлар амалга оширилди. Барча турдаги ўқув муассасалари мустақиллик, миллий қадриятларга ва анъаналаримизга хос кўргазмалар, шиорлар билан безатилди. Кутубхоналар янгича адабиётлар билан бойитилди.

Раҳбар кадрларнинг қобилияти, ишбилармонлиги, илм ва ташкилотчилик савиясига эътибор берган ҳолда уларнинг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, тест синовларидан, аттестациялардан ўтказишнинг бир туркум тадбирлари ҳам амалга оширилди. 1997—98 ўқув йилида вилоят мактабларига 900 нафар ёш мутахассис педагоглар ишга жойлаштирилди.

Қиш ғамини ёзда е, дейди доно халқимиз. Шу маънода вилоятда таълим муассасаларини кузги-қишки мавсумга тайёрлаш буйича ҳам бирмунча ибратли ишлар амалга оширилди. Жорий йилнинг 20 сентябрига қадар 35 қозонхоналар (83 фоиз), 217 иситиш печлари (100 фоиз), таъмирланди. 15 минг кв. метр синган ойналар алмаштирилди. 19994 метр кв. томлар капитал таъмирдан чиқарилди.

Йилнинг охиригача яна 5718 ўринли 16 та мактаб ишга туширилиши кўзда тутилмоқда. 1997 йилнинг 1 сентябрига қадар 4152 ўқувчи ўрнига эга бўлган мактаб фойдаланишга топширилди.

Бухоро вилояти таълим муассасаларини китоб, қўлланмалар, дастурлар билан таъминлашга ҳам алоҳида аҳамият берилди. Масалан, 15 сентябрга қадар 65 номда 1304049 нусхадаги дарсликлар олиниб, жойларга 63 номда 1233609 нусхада етказилган.

Бироқ, вилоят таълими тизимида бир қатор камчилик ва нуқсонлар ҳамон сақланиб қолмоқда. Чунончи, вилоят таълим муассасаларини ёнилғи билан таъминлаш 41.7 фоизга, кўмир билан таъминлаш 69 фоизга бажарилди холос. Бугун Бухоро вилояти мактабларида, айниқса шаҳарларда математика, физика, химия, чет тили ва жисмоний тарбия фанлари буйича мутахассислар етишмайди.

Халқ таълими вазирлиги 1997 йил 18 сентябрда аҳволни ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида 30-х сонли буйруғини чиқарди. Бунга мувофиқ вазирлик, Республика таълим маркази, Тошкент шаҳар, Тошкент, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларидан тажрибали мутахассислар вилоятга жалб этилиб, таълимдаги айрим оқсоқланиш, камчилик ва муаммоларнинг ечилишига ўз таклиф, кўрсатмалари билан ёрдам беришади.

Т. САЛИМОВ,
Ўрта умумий таълим Бош бошқармасининг бош назоратчи услубиётчиси.

Oltin meros

ИЛМДА УСТОЗУ ТАРИҚАТДА ПИР

2500 йиллиги нишонланаётган Бухоро ва Хива шаҳарларида камолга етган ўнлаб алломаларга олам аҳли ана шундай нисбат берганди.

Шу азиз Ватан — Узбекистоннинг ёшу қариси кўнглида бугун яна бир ифтихор, бир соғиниш, бир талпиниш, бир ҳаяжон. Бу ҳам булса Ватан озодлиги тимсоли — халқнинг миллий анъаналари, удумлари қайта камол топаётгани, қадрият аталмиш олтин меросимиз сарчашмаларидан илмга ташна дилларимиз қониб-қониб сув ичаётганидир. Қадимий шаҳарлар Бухорои шариф ва кўҳна Хиванинг 2500 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турганимиз ҳам ана шундай қадриятларимиздан биридир.

Бу икки қадим шаҳар ҳақида қоғоз қораламоққа тутинар эканман, узоқ ўтмиш кўз олдимга келади. Истиқлол туфайли халққа қайтган меросларни ҳижжалаб уқийману шариф шаҳар Бухоронинг қадим ва залворли тарихий воқеалари бир-бир хаёлимда гавдаланади.

Жаҳонга илм ўргаттан зотларга илк бор Ҳақ йулини, Ҳақ илмини таниттан Бухородаги қадим мадраса... Негадир толиби илмлар ҳужрада эмас, очиқ ҳовлидаги супага ташланган тақир буйра устида дарс ўтяптилар. Бир сабоқли, кўнгилларни сув қилиб эритгудек, ҳамманинг кўзида ёш. Оппоқ матодан кулоҳ кийган устоз ҳам ҳар замон-ҳар замонда кулранг чакмони енгига юзидан серсавлат соқолига оқиб тушаётган ёшларини артиб, қаршисида тиз чўкиб ўтирган талабага савол беришда давом этадилар:

— Ҳақдин талабинг не?
— Ризолик!
— Муддаоингчи?
— Васлига етмоқ!
— Васлига етмоқ шунчалар осон дейсанми?
— Мушкул устоз, мушкул!
— Муборак даргоҳга лойиқ бўлмоқ учун бандадан не лозим?
— Сабр! Сабр! Сабр!
— Яна-чи?
— Илм, тақво, ҳалимлик ва яна сабр!
— Каломи Азимуш-Шаънда бу сифат неча карра уқтирилган?
— Етмиш бора устоз!
— Тан билан руҳни покловчи йўл қайсидир?
— Ҳақ йўлидир!
— Бу йўлнинг боши қайдин келур?
— Илмдан!
— Илмчи?
— Талаби Васлдан!
— Руҳларга таскин берувчи, тафаккур қувватини оширувчи, инсонни комилликка етказувчи нарса нима?
— Тариқат!
— Кўнгилнинг тариқатга мойилми?
— Бугун вужудим унга талпинур!
— Руҳинг-чи?
— Руҳим ҳали карахт. Афтидан нафсим бир қадар ҳаволанган, гуноҳларим савобимдан устун, тафаккуримда Олам ва Одам васфи ҳали пок чизилмаганга ўхшайдур. Кўз ўнгимда гавдаланган бу сабоқдан сергак тортиб, ўзимга келаман ва яна мутолаа қилишга киришаман.

«Талаба ўз тафаккурида Олам ва Одам васфини пок-покиза идрок этиш учун етти йил Бухорои шариф кўчаларини супуриб-сидирди, ўнқир-чўнқир ерларини таъмирлади, кўча юзига тушган чақир тиканларни одамлар оёғига ботиб, озор бермасин дея битталаб териб чиқди. Ҳар бир кўчага бош суққанда Оллоҳни зикр этиб, қули юмушга борса-да қалбида Ёр васфи жунбуш қиларди. Бўғзида бир калом тугилди, лабзига чиқармоққа харчанд уринмасин руҳ қудратига етишмади. У дил тубига чўкди ва орадан қатор йиллар ўтиб комиллик мақомига киргач, ўша кўнгил тубидаги калом тилига кўчди — «Дил ба Ёру Даст ба кор!».

Ҳа, бу талаба умри буйи ҳақиқатни, адолатни, покликни, эл-улус дардида бедорликни, ватан ва Ёр ишқида доимий ўйғоқликни тарғиб қилиб, алал-оқибат катта бир сулук йўлбошчиси даражасига кўтарилган зот — Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари эди. Бугун шу зотни тарбиялаб, жаҳонга таниттан, қолаверса, ўнлаб аҳли сулукларни, уламои комилларни олам аҳлига устоз қилиб берган ва алал оқибат дунё афкор оммаси томонидан «Бухоро қуввати исломи династ» дея тан олинган шаҳар ва бутун башарияття комилликка етиш йўлларини талқин этиб кетган Нажмиддин Кубро ватани — қадим Хоразмда катта маърака — Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллик тўйи.

Шу тўй сабаб, бу қадим шаҳарда камолга етиб бутун жаҳонга илдиз отган тариқат илмига бир назар ташламоқни ният қилдик. Зеро, яхши кунларда боболар руҳини ёд айлаб, улар сийратини суюнтирмоқ хайрли дейдилар...

Хуш, Тариқат нимаю уни биз шу пайтгача қандай талқин этиб келдик?

Маълумки, Ислом дини беш асрга таянади — калима айтиб мусулмон бўлиш, бир кунда беш маротаба ибодат қилмоқ, ҳар йили Рамазон ойида ўттиз кун рўза тутмоқ, қурби етганлар учун умрида бир маротаба Ҳаж ибодатини адо этиш, мол-дунёси кўпайиб, белгиланган миқдорга етганда закот бермоқ. Ҳар бир инсон калима айтиб мусулмон бўлгач, қолган тўрт амални мукаммал битириши ва алал-оқибат комил инсон даражасига етишувида яна тўрт йўлни — мақомни босиб ўтиши лозим бўлади. Бу мақомларни баланд бинога қўйилган нарвон пиллапояларига қиёслаш мумкин. Унинг ҳар бир пойи неча ўн йиллик риёзатдан иборат. Буни мусулмон оламида Шариат, Маърифат, Тариқат, Ҳақиқат деб номлайдилар. Зеро, бу мақомларнинг бирини мукаммал эгалламасдан туриб, иккинчисига қадам қўйишнинг имконияти йўқ.

Шариатта кирган киши ҳаром-харишдан тийилиб, ибодат қилиб, Оллоҳнинг борлигини тан олиб, ўз вужудида ҳис эта бошлайди. Танасида яхшилик амалларига ундовчи куч пайдо бўлади. Бу инсоннинг Маърифатни ҳис эта бошлашидир. Чунки Оллоҳнинг борлигини билиш кишининг Маърифат эгаси эканлигидан дарак беради. Маърифат йўлига кирган киши эса адолатсизликдан юз ўгиради, бу дунёнинг ўткинчи ҳаваслари (мол-дунё йиғиш, бировга ёлғон гапириб ўз ишини битириш, кишилар ҳақига хиёнат қилиш, ваъда бериб бажармаслик, зулм ва зўрлик қилиш)дан ошкора бўйин товлади. Энди у ўзи билмаган ҳолда Тариқат мақомига эришади. Чунки қалбидаги жаҳолатдан илм устун кела бошлайди. Сўзлаганда одоб билан, ҳикматли, маънили сўзлайди. Бирор юмушга қўл урганда ўйлаб, ўз тепасида Яраттан зот турганлигини ҳис этиб, унинг қудратидан қалби ларзага келиб, қиёматда унинг сўроқсаволларидан андиша қилиб, кўп ҳикмат билан иш қилади. Бундай кишини энди катта-кичик давраларда фақат тинглайдилар, ундан сабоқ оладилар. Ул зотдан олган сабоқларига амал қилган зотга энди кишилар «мавлоно», «устоз» дея мурожаат қиладилар. Энди у кечаларни ибодатда, кундузларни фақат ҳалол меҳнатда ўтказади. Сизу биз қалбимизда энди, энди ҳис эта бошлаган Парвардигор билан у тунлари ғойибона суҳбат қуради. Шу йўсинда Ҳақиқат мақомини эгаллайди. У энди сиз келмасдан туриб ташрифингизни сезади. Кунглингиздаги гапни юзингизга айтади. Чунки у ҳақиқатта эришди — комил инсон бўлди.

Ривоят қиладилар:

Комилликка эришган Робиянинг қалбини Маърифатдан тийиш учун: сувсизлик билан қийнадилар. Робия эса қалбини Ятраттандан бир зум узмади. Девордан сув отилиб чиқди. Ибодат қилаётганида олдига заҳарли илон ташладилар. Робия саждага бош қўйганда у бўйнига чирмашди. Робия эса ибодатни тарк этиш ўрнига бутун оламлар Роббисини ҳар нарсадан-да азизу мукаррам эканлигини тилию дилида такрор қилди. Бўйнига чирмашган илон Оллоҳнинг қудрати билан гулга айланди.

Робия тўрт мақомни мукаммал эгаллаганда атрофга баҳор сеп ёйган, дов-дарахтлар гулга бурканиб, табиатда муъжаз бир уйғониш жунбушга келган эди. Толиби илмлар бу қўркамликдан баҳоят завқ олишар, Робия эса ичкарида, ҳужрада Жаноби Ҳақни ёд этар, ота ва онасининг гуноҳини сўраб, тавбалар қилар эди. Унга дедилар:

— Эй Робия! Ахир ташқарига чиқиб Оллоҳнинг яратган неъматларидан боқиб баҳра олсанг-чи!

Робия жавоб қилди:

— Ёнимда ўтирсанг, Жаноби Ҳақнинг ўзини кўрасан!

Юсуф Ҳамадоний қўлида таҳсил олган Баҳоуддин Нақшбанд ўзликдан кечиш, қалбидаги кибру ҳавони, манманликни йўқотиш учун устоз ризолигини нафсидан устун қўя билди ва камолотта эришди.

Аҳмад Яссавий, Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Румий илгари сурган, юзлаб шогирдлари қалбига муҳрлаб кетган инсоний ҳурлик, озодлик, комиллик ғояси — Шариат, Маърифат, Тариқат, Ҳақиқат мақоми булар барчаси пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломда мужассам бўлган фазилатлар эди.

Бугун барчамизнинг ниятимиз, орзу-истагимиз Ватанни тезроқ ғолиблардан-да ғолиб қилмоқ. Бунинг учун ҳар биримиз ўзликдан кечишимиз, халқ, эл-улус дардини, манфаатини, хотиржамлигини шахсий туйғулардан устун қўймоғимиз лозим.

Оллоҳнинг ризолигини топиш осон, лекин халқнинг ризолигини топиш ўта мушкулдир.

Назаримда, Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллик анжумани, унинг иштирокчилари дилидаги гаплар ҳар биримизни ўзликдан кечишга, Ватанни севиб, унга муносиб фарзанд бўлиб, буюк боболар меросини доимо бугунгидек ардоқлаб яшашга даъват этади. Чунки шу азиз Ватан барчамизникидир.

Яна кўз ўнгимизда Бухорои шариф, ўша мадраса, ўша супа. Кеча, устоз саволларига одоб ила жавоб қайтариб турган талаба анча кексайган. Устоз эса янада нуроний қиёфада. Кўзларидаги ёш урнида энди ажиб бир табассум, нурли чеҳраларда мамнунлик...

— Недин бунча кайфиятингиз чоғ?

— Ватандин устоз! Топталган тупроғимни бугун фарзандларим эъзоз этмоқда, боболари мероса иззату икром кўрсатмоқда. Ахир руҳимиз бу кунларни озмунча илҳақ кутдими? Озод элимнинг шаҳарлари янада обод бўлиб бораётганидан фахрданман. Бухоро ва Хиванинг тўйи сизу бизнинг тўйимиз эмасми? Фарзандларимизнинг ўзлигини топаётганидан дарак эмасми! Сизу биз қолдирган Тариқат илмининг асл моҳияти ҳам комилликка интилиб, халқнинг ризолигини топиш эмасмиди!

Шодиёр МУТАҲҲАРХОН ўғли.

Ko'ngil bitiklari

БИР КЎНГИЛ КЕНГЛИКЛАРИ...

Шеърда пинҳон ҳайқириқ бор. Бу ҳайқириқнинг ранглари турфа. Балки ҳар шоирнинг ўз овози бор деганлари шудир. Аммо бу овознинг ҳам ўз кенгликлари мавжуд.

Бугунги шеъриятимизнинг нақадарлигини таъмин этиб турган шоир, шоиралар мундарижасидан наманганлик истеъдодли шоира Дилбар Бону (Ҳайдарова) ҳам жой олган. Шоиранинг ҳам фақат ўзига тегишли кенгликлари бор. У ана шу майдондан туриб сўз айтади. Унинг «Норин мавжлари», «Кўклам қизиқ», «Ишқ сўқмоғи», «Гуллар нафаси» каби шеърий тўпламлари ўша майдондан йиғиб олган «ҳосили».

Дилбар Бону бугун Намангандаги «Мураббий» газетасининг муҳаррири. Газетанинг номланишидан илғагандирсиз... Ҳа, айтганингиздек, рўзнома вилоятнинг таълим-тарбия жараёнини ҳам ўз кўзгусида акс этдириб туради.

Дарвоқе, шоира бир шеърида «Телба қилса, телба қилсин шу қадаҳ» дейди. Ҳа, бу қадаҳда сўз бор, ҳали лаб тегмаган кулгулар, ёзилмаган ашъорлар, покиза туйғулар бор.

Истагимиз, бу қадаҳ синмасин!

ТУШГА ЎХШАЙДИ

Тонглар отаверар, кун ботаверар,
Ғийбат бозорлари — шум сотаверар.
Соғинч дарди мени уйғотаверар,
Сизнинг борлигингиз тушга ўхшайди.

Биз томонга гоҳо қиё боқиш йўқ,
Биз тортган азобдан зарра тотиш йўқ.
Биз қуйган ўтлардан ёниб, ёқиш йўқ,
Кўнглингиз доимо ҳушга ўхшайди.

Суйган боғларимда ҳижрон яшаркан,
Тоғлар этагида девлар ётаркан.
Кўнгил дарёсида армон оқаркан,
Юрак қафасдаги қушга ўхшайди.

БАРЧИН ТИЛАГИ

Урҳо, деса отлар кишнаб,
Қиз туради лабин тишлаб.
Йигит турма жилов ушлаб,
Оқ йўл, сенга шоҳсуворим.

Туёғидан ўт чақнаган,
Кўзларидан ел чатнаган.
Остонадан ёв ҳатлаган,
Оқ йўл, сенга шоҳсуворим.

Толесиз деб менга боқма,
Бўлар-бўлмас йўлга чопма.
Ҳуд-беҳудга ёйинг отма,
Оқ йўл, сенга шоҳсуворим.

Карвон ўтса изи қолар,
Ё ўғилдир, қизи қолар.
Шоҳи синса илдиз қолар,
Оқ йўл, сенга шоҳсуворим.

Бўйнимдаги бўй-туморим,
Ўғлинг ёзар бор хуморим.
Адашмасин бойчиборинг,
Оқ йўл, сенга шоҳсуворим.

Худо менга тўзим берсин,
Қайтиб яна ўзинг берсин,
Элга ошу тузинг берсин,
Оқ йўл, сенга шоҳсуворим.

ТИЛИМ

Менинг узун тилим, исёнкор тилим,
Ярадор қилдинг-ей, оппоқ тишимни.
Узунлигингдан-ку, куйди бу дилим,
Кунда бир орттириб, бир ташвишимни.

Кунда шу қайсарлик, шундай можаро,
Режалар тузгайман ақлимни эзиб.
Мен банди қиламан тишларим аро,
Сен яна кетасан занжирни узиб.

Сунъий тишлар ясаб қурашдим яна,
Сени қисқа қилиш эди ниятим.
Сен уни емириб қилдинг тантана,
Куйлаб озодликнинг қонуниятин.

Қасдлар қасд бўлмайди, сенинг қасдингдан,
Оғриғинг кўзимни тиндираверар
Узун тилим тағин сенинг дастингдан,
Тишларим тишимни синдираверар.

Дилбар БОНУ.

ЛИЦЕЙЛАРАРО МУСОБАҚА

Самарқанд шаҳридаги Самарқанд ҳарбий лицейи футбол ўйингоҳида 1982—83 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида Республика ҳарбий ва ҳуқуқий лицейлараро футбол мусобақаси бўлиб ўтди.

Мусобақада Тошкент ҳарбий лицейи, Урганч ҳарбий лицейи, Самарқанд ҳарбий лицейи ва Фарғона ҳуқуқий лицейи ғолиблик учун майдонга тушдилар.

Барча учрашувлар қизиқарли ва шиддатли кураш остида ўтиб, ўйингоҳга йиғилганларда катта таассуротлар қолдирди.

Ўйинлар қуйидаги натижалар билан якунланди:
Самарқанд — Урганч = 5:1
Тошкент — Фарғона = 2:1
Самарқанд — Фарғона = 1:0
Тошкент — Урганч = 5:1
Самарқанд — Тошкент = 4:2
Урганч — Фарғона = 4:3

Барча учрашувларда ғолиб чиқиб, 9 очко жамғарган Самарқанд ҳарбий лицей жамоаси биринчи ўринни, Тошкент ҳарбий лицейи 6 очко билан иккинчи ва 3 очко жамғарган Урганч ҳарбий лицей жамоаси учинчи ўринни эгалладилар.

Мусобақа якунида энг яхши дарвозабон, энг яхши ўйинчилар аниқланди. Энг яхши дарвозабон деб Самарқанд ҳарбий лицейи дарвозабони Нодир Маматов тан олинди.

Ғолиб ва совриндор жамоаларга, энг яхши ўйинчиларга Халқ таълими вазирлиги, Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси ва Самарқанд ҳарбий лицейи томонидан қимматбаҳо совринлар топширилди.

Меҳмонлар Самарқанднинг тарихий-меъморий ёдгорликларини бориб кўрдилар.

М.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози.

Xullas

«АҚЛЛИ» ҚУЛФ

Инглиз фирмаларидан бири ўғриларнинг «доди»ни берадиган ажойиб қулф яратди. Бу қулфнинг энг яхши «хислати» шундаки, унинг калитида, тўғрироғи калитнинг учида микросхема жойлаштирилган. Худди шундай микросхема қулфда ҳам бор. Калит билан қулфнинг микросхемаларига уй эгасининг керакли маълумотлари жамланган, ҳатто ўша кишининг ўзига хос «ҳиди» ҳам. Энди денг, бу қулф бегонага сира «бўйсунмайди».

СИЗДАН УГИНА, БИЗДАН БУГИНА

Баъзида шунақасиям бўлади. Қанақаси демоқчимисиз?.. Канадалик Жон Пентон кечқурун ишдан қайтаётган бир безорининг қўлига тушиб қолди. Беш минутлик «тўқнашув»дан сўнг безори Пентоннинг буюмлари солинган чарм сумкани олиб, қочиб қолди. Негадир жабрланувчи саросимага тушмади. Бу ҳолдан ажабланган безори ҳамма сирни кейинрок тушунди. Яъни Пентон муттаҳам билан олишаётган пайтда унинг чўнтагидан ҳамёнини олиб қолган экан. Қизиғи шундаки, жабрланувчининг «ўлжа»си безориникидан анча кўпроқ экан.

ТЕМИР «БУРГУТ»

Японлиялик бир гуруҳ сайёҳлар Португалиянинг Порту шаҳридаги ҳайвонот боғига ташриф буюришди. Бу пайт бирдан осмонда баҳайбат бургут пайдо бўлиб, панжара ортидаги ёввойи эчкига ҳамла қила бошлади. Бу ҳолдан ташвишланган боғ мутасаддилари «қароқчи»ни отишга қарор қилишди. Бироқ... японлиялик меҳмонлардан бири қандайдир қора қутини нимадир қилди. Шу пайт «Бургут» ювошгина бўлиб меҳмоннинг елкасига келиб қўнди.

Аниқланишича, «Бургут» японлар ясаган робот экан.

ana shunaqa gaplar

Sport maydonchasi

ЕНГИЛМАС ГРИГОРЯН

Профессионал бокс бўйича мамлакатимизда биринчи бор жаҳон чемпионлигини қўлга киритган Артур Григорян яна бир марта ўз мухлисларини қувонтирди. Германиянинг Комбус шаҳрида ўтказилган навбатдаги «жанг»да ҳамюртимиз америкалик машҳур профессионал Дэвид Артонни мағлубиятга учратди.

Мусобақа қонуниятдагидек 12 раунд давом этди. Артур очколар ҳисобида ғалабага эришиб, проф. рингдаги ютуқларини 23 тага етказди.

«НАВБАҲОР» ҒОЛИБОНА ЮРИШ БОШЛАДИ

Футбол бўйича Осиё чемпионлар кубоги мусобақасида Наманганнинг «Навбаҳор» командаси Туркманистоннинг «Ниса» клубига дуч келди, «Навбаҳор» ўз уйида туркман футболчиларини йирик ҳисобда (6:1) мағлубиятга учратиб, «Нефтчи»нинг аламини олди. Маълумки кубок эгалари кубогида «Нефтчи» «Копетдоғ» (Туркманистон) дан енгилиб кейинги босқичда қатнашишдан маҳрум бўлганди.

«Навбаҳор» — «Ниса» учрашувининг иккинчиси энди Туркманистонда ўтказилади.

КОРЕЙСЛАР ҲАМ ЗЎР... ДЕЙИШМОҚДА

Бугун футбол бўйича ЖЧ — 98нинг Осиё «Б» гуруҳида навбатдаги учрашув ўтказилади. Ўз гуруҳининг энг пастки қаторида турган Ўзбекистон энг юқоридаги Корея терма командасини қабул қилади.

Мураббий Юрий Саркисян бу гал терма командамиз рўйхатига яна 3 та (Ёркин Назаров, Сергей Андреев, Шуҳрат Асатов) янги ўйинчини таклиф этди. Ғалвир сувдан кўтарилиб, бизникилар ҳамма нарсадан қуруқ қолган бўлсалар-да, мураббийларимиз экспериментал учрашувларни ҳамон давом эттиришмоқда.

КАСПАРОВНИНГ МИЯСИ ТИЛЛОДАНМИ?

Тилбургда дунёнинг энг кучли 12 шахматчиси ўртасида яна бир нуфузли «олишув» бошланди. Унда Россия, АҚШ, Англия, Испания, Украина, Голландия, Францияга ўхшаган илғор мамлакатларнинг «ақл пешволари» қатнашмоқда.

Ҳозирча мусобақада жаҳон чемпиони Гарри Каспаров биринчи ўринда бормоқда. Шунга кўра айрим мухлис ва мутахассислар Каспаровнинг миясини тиллодан ясалган бўлса керак, дея тахмин қилишмоқда. Учрашув натижалари эса уларнинг фикрини юз фоиз исботламоқда.

РОССИЯ АЗАМАТ ЎЛКАМИ?

Футбол бўйича ЖЧ-98 да қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун Россия терма командаси Италия футболчилари билан баҳслашадиган бўлди. Учрашув икки бор ўтказилади. Сафарда ва ўз майдонида. Ғолиб чиққан команда тўғридан-тўғри Францияга кетаверади.

Бу учрашув олдидан ҳар иккала мамлакат мутахассислари талвасага тушиб қолди. Бироқ Россия ўзининг азамат ўлка эканлигини яна бир бор исботлаш ниятида. Тахмин билан иш битмайди. Ғолибни эса вақт танлайди.

Bizning suhbat

— Фозилжон ака, мухлисларингиз асл касбингиз билан қизиқишади...

— Тошкент маданий-оқартув техникумининг кутубхонашунослик бўлимини 1969 йилда имтиёзли диплом билан битирганман. Шу йилдан Низомий номидаги пединститутнинг мазкур соҳа бўйича факультети кечки бўлимида таҳсил олдим.

— Ҳозирги пайтда ўз соҳангиз бўйича ишлаяпсизми ёки...

— Ўз соҳамга содиқ қолдим. Республика кўзи ожизлар кутубхонасида директор муовиниман.

— Демак, бошқотирмаларингизнинг юзага келишида китоблар дунёсига яқинлигингиз ҳам ёрдам берарканда?

— Балким...

— Шу пайтга қадар тахминан нечта бошқотирма яратгансиз?

— Жуда кўп, ҳатто аниғини айтиб беролмайман. Тахминан 2-2,5 мингталар бўлса керак.

— Барча нашрларни бошқотирмалар билан таъминлашга улгурасизми?

— Менга газета, журнал котибиятлари аввалдан буюртма бериб қўйишади. Қалам ҳақини яхши тўлашса, тузиб беравераман.

— Умуман, сизни бошқотирма тузишга нима ундайди? Бу шунчаки қизиқишми ёки иккинчи бир касбга айлантириб олганмисиз?

— Аввало тирикчилик, бола-чақа ташвиши... Қолаверса, кишиларнинг теран ақл эгаси бўлишларини хоҳлайман. Менинг қандайдир мавзуга бағишланган чизмаларимни ечишга муваффақ бўлган мухлисларим ҳеч қандай масалада қийналмайдилар. Одамлар орасида, ишда, ўқишда, оилавий ҳаётда, хуллас, мураккаб вазиятларда ақл-мулоҳаза уларга ёрдам беради. Оқиллик, орифлик, донолик, мушоҳада, топқирлик, зукколик, тадбиркорлик — менинг шиорим.

— Дастлабки тузган шаклларингизни эслайсизми?

— Мактабимизда Эркин Ризқуллаев деган чизмачилик муаллими бўларди. Мен чизмачилик фанига қизиқардим. Тўғри, эгри-бугри, айлана чизиқларда қандайдир сир бордай туюларди. Эркин аканинг кўрсатмалари асосида ўша пайтлари бир-иккита шакллар чизганимдан сўнг мен бунга ниҳоятда қизиқиб қолдим. Шу тариқа 1973 йилда таниқли таржимон ва журналист Ваҳоб Рўзиматов таклифига биноан «Гулистон» журналида дастлабки бошқотирмаларим вужудга келди. Ундан сал кейинроқ шоир Наримон Орифжонов маслаҳатлари билан болаларбоп бошқотирмаларни кўплаб чиза бошладим. Улар «Гулхан» журналида тез-тез эълон қилиниб турарди.

— Сиз яратган бошқотирмалар маълум мавзуга бағишланади. Сиз уларни тузишда нималарга таянасиз?

БОШИНГИЗНИ ҚОТИРАЁТГАН ОДАМНИ ТАНИЙСИЗМИ?

Минглаб бошқотирмалар ижодкори Фозилжон Орипов билан суҳбат

— Менинг бисотимда турли хил қомусий китоблар, луғатлар, жадвал ва хариталар бор. Агар мен қушлар ҳақида бошқотирма тузмоқчи бўлсам, аввало, уларнинг номларини тўплайман. Билмаганларимни эса китобдан ахтариб топаман. Демак, бошқотирма қушларга бағишландими, унинг шаклини ҳам қушга ўхшатиб чизаман. Катакчаларга қушларнинг номини жойлаш эса қийин кечмайди. Энига, бўйига кесишадиган жойларга ҳарфларнинг мос тушишини ҳисобга оламан.

— Бошқотирмалар баъзан шахмат ўйинидан ҳам мураккаброқ бўлиб туюлади ёки муаллиф сифатида бундай туйғудан йироқмисиз?

— Баъзан жавобини тополмай хуноб бўлган мухлислар ўзимга мурожаат қилишади. Мен уларга бажонидил ёрдам бераман. Ўзим тузган бошқотирмалар мен учун қизиқ эмас, ахир уларнинг жавоби менга маълумда. Лекин бошқа муаллифларникини ечишга камина ҳам қийналса керак.

— Муаммонома, ребус каби турлар ҳам мавжуд. Уларнинг бошқотирмадан фарқи нимада?

— Муаммономани айрим кишилар криптограмма деб номлайдилар. Аслида иккиси ҳам бир. Муаммономада мақол, ҳикматли сўзлар жумбоқ қилиб олиниб, шаклда белги ёки рақамларда яширинган бўлади. У очқичдаги сўзларни топиш орқали ҳал этилади. Уни ҳал этган мухлис ҳикматли сўздан завқ ва ибрат олиб, ҳузур қилади.

— Ребус-чи?

— Ребус расм ва турли шаклларда яширинган топишмоқ бўлиб, ўқувчини ўйлашга мажбур этади. У бирмунча қадимий тасвирли топишмоқ ва асосан болаларга мўлжалланиб тузилади.

— Фозилжон ака, ўзингиз каби шогирдларингиз бўлишини истасангиз керак?

— Тўғри, лекин назаримда бу соҳага кўпчилик юрак ютиб, журъат этавермайди. Бу, менимча, худди чексиз жумбоқлар кўмиб ташланган ғорга ўхшайди. Тузиш учун катта журъат ва ҳафсала керак. Шогирдлар бобида мақтанолмайман, тўғриси, тузук-қуруқ шогирд тайёрлай олганимча йўқ. Бундан афсусдаман.

— Нималарни орзу қиласиз?

— Мактаб ўқувчилари ва талабаларнинг зукко, зийрак бўлишларини истайман. Улар матбуот саҳифасида эълон қилинган бошқотирмаларни тўлиқ ҳал этишса, бениҳоя ғурурланишлари аниқ. Уларни кўпчилик бўлиб ечиш ҳам мумкин. Мушкулроқ саволларни кутубхоналарга бориб, луғат, қомус, харита ва жадваллардан топиб ҳал этишга одатланишларини маслаҳат берардим.

Бошқотирма тузувчилар бизда деярли йўқ. Нега? Чунки, юқорида таъкидлаганимдек, ҳар ким ҳам бу соҳага қўл ургиси келавермайди. Маълум фан соҳаларини мукаммал эгаллаган машқ тузувчилар етишиб чиқса, қани эди. Шу мақсадда «Билимдонлик тилсимлари» тўпламини тайёрладим. Унда топқирлик машқларининг ўзига хос тарихи, тузиш қоидалари, ечиш усуллари, турлари ва аҳамиятини баҳолиқудрат оққа туширганман. Ана шу китоб нашр этилса, мухлисларга яхши совға бўларди!

— Омон бўлинг, ғам кўрманг! «Маърифат»ни ўқийдиган мухлисларингизга билдирадиган тилакларингиз...

— Зиёли ҳаётда қоқилмасин, гар у қоқилса, бу унинг бутун умрига, обрўйига зиён-заҳмат етказади. Бунинг учун эса у теран ақл-мушоҳада соҳиби бўлиши лозим!

Суҳбатдош
Ҳулкар ТЎЙМАНОВА.

ИЖОДИ НАМУНАЛАРИ

Фозилжон Орипов — серқирра ижодкор. У юзлаб топишмоқлар, тез айтишлар, жумбоқ ҳикояларнинг ҳам муаллифидир. Улар лўнда, аммо мазмунида катта маъно яширин. Ўйлаган, мулоҳаза юритган киши, албатта, ечишга муваффақ бўлади.

Қуйида «Маърифат» газетасининг меҳмони, минглаб муштарийларимизнинг дустига айланиб қолган Фозилжон Орипов ижодидан намуналар эълон қиламиз. Уриниб кўринг-чи, жумбоқларга тишингиз утармикан? Жавобларингизни таҳририятимизга йўлласангиз ҳам майли...

СОЗАНДАЛАР

Радио мухбири суҳбатлашиш мақсадида мактабдаги бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг энг фаол қатнашчилари уч эгизак — Ҳасан, Ҳусан ва Тоир, яъни доирачи, рубобчи ва дуторчи созандалар ҳузурига ташриф буюрди. Мухбир бир-бирларига жуда ўхшайдиган эгизак созандалар билан учрашгунга қадар бир нечта ўқувчилар улар ҳақидаги қуйидаги маълумотларни айтиб бердилар:

Ҳасан — рубоб чалмайди,
Ҳусан — дутор чалмайди,
Ҳасан — дутор чалади,
Ҳусан — рубоб чалмайди.

Мухбир эгизак созандалар билан суҳбатлашганида юқоридаги тўрт «маълумот»дан фақат биттасигина ҳақиқий эканлигини билди. Созандаларнинг ҳар бири қайси чолғу асбобида куй ижро этишларини топингчи?



МУАММОНОМА

Азиз муштарий! Қуйидаги шеърий сатрларда рақамлар билан ифодаланган сўзлар Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пўлат Мўминнинг

«Юрак завқу дардларим
Айтур байту фардларим» фардлар китоби асосида келтирилган. Уларни топиб, очқични ҳал этинг.

1. Дейдиларким 16, 1, 6. — кўп олтин,
Илож булса икковин олгин.
2. Яхши одоб, яхши хулқ,
Одамда туганмас 10, 1, 3, 11.
3. — Нима зарур ҳамиша?
— Одоб билан 2, 4, 16, 5, 20, 2!
4. — Инсондаги қуш қанот —
12, 2, 8, 7. ила қаноат.
5. Билиб қўйгил, яхши қушни
Эслатади 2, 15, 5, 3 қушни.
6. Гар қулингда булмаса 17, 7, 11,
Ҳамма эшик сен учун берк.
7. Икки нарса сотилмас фақат:
Биттаси — бахт, иккинчиси — 14, 2, 21, 19.
8. Виждонини ҳимоя
Қилмоқлик — 1, 3, 1, 13. гоя
9. Бўлган билан қобилият,
Бўлсин яна холис 4, 5, 9, 19.
10. Қолса кимдан оқар ариқ,
Унутмагай халқу 19, 2, 7, 5, 19.

Энди шаклдаги рақамларни жавоб сўзларидаги таллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Бунда асар муаллифининг яна бир фарди аён бўлади.

ЎСИМЛИКНИНГ НОМИ НИМА?

Нақл қилинишича, Аллоҳ таоло Одам Атони яратиб, жаннатни унга маскан қилганда, шайтони лаъиннинг гапига кириб, Аллоҳ тақиқлаган бўғдойдан татиб, гуноҳи азимга ботибди. Шунда одамзотда уят ҳисси пайдо бўлиб, уятини яшириш учун дов-дарахтлару ўт-ўланларга ёлворибди. Жаннатдан қувилган гуноҳкор одамзодга мурувват кўрсатишни ўсимликлар ҳам рад этишибди. Фақат биргина ўсимлик ўз яроғидан берибди ва бу қилмиши учун Аллоҳнинг қаҳрига гирифтор бўлиб, гунча тугиб гуллашдан бутунлай маҳрум этилибди.

Яна айтишларича, бу ўсимликнинг мева куртаклари бўртиши олдидан ғаройиб кўкиш нур танаси бўйлаб урмалаб чиқаркан. Ана шу нурни унинг гуллари деб аташар экан. Бу шунчалик тез фурсатда содир буларкан-ки, воқиф бўлган одамнинг ақли ҳуши лол қолиб, ўзини йўқотиб қўяркан.

Бу ғаройиб ўсимлик номини топинг-чи?

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Олег Аҳмедович Тожиевга онаси Антонина Андреевна ТОЖИЕВА вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Узбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар:
Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0672. Тиражи 21.422. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6